

Макка шаҳрида Халқаро Қуръон музейи очилди



16:47 / 10.08.2023 1584

Жаҳон мусулмонлари иттифоқи Макка шаҳрида Қуръони Карим халқаро музейини очди. Бу ҳақда iqna.ir манбаси хабар берди. Ушбу музейнинг мақсадларидан бири халқаро учрашувлар ўтказиш ва Қуръони Карим нусхаларини тақдим этишдан иборат.

«Arab News»нинг маълумотига кўра, Жаҳон мусулмонлари иттифоқи бош қотиби Муҳаммад ибн Абдулкарим ал-Исо Макка шаҳрида Қуръони Карим халқаро музейи очилишини эълон қилди. Унинг айтишича, бу ташаббус Қуръон ва Суннатни тарғиб қилиш мақсадида бошланган ва ушбу музей илмий далиллар билан Қуръони Карим мўъжизаларини ёритиб беради. Музей лойиҳаси бутун Ислом оламининг бир неча олий мартабали

олимларидан иборат Халқаро олимлар Кенгаши ташаббуси билан бошланган. Музей ходимларига бутун дунё бўйлаб анжуман ва маърузалар ташкил этиш вазифаси юкланади.

«Ўз мазмуни ва мақсадлари бўйича биринчи бўлган ушбу кашшоф лойиҳа ғояси Аллоҳнинг Китоби ва Суннатга хизмат қилувчи бўлим ва Исломи олами уюшмаси томонидан кўриб чиқилди», дейди Исломи олами уюшмаси Бош қотиби Муҳаммад ал-Исо. — Ушбу уюшма биносига ташриф буюрувчилар музейни кўришлари мумкин. Музейнинг халқаро бўлимлари Қуръони Карим қадриятлари ва оятлардаги ҳикматли ҳукмлар билан таништиради. Шунингдек, музейда Қуръони Карим ва унинг илмлари билан боғлиқ анжуман, йиғилиш, маъруза ва тадқиқотлар олиб бориш билан бир қаторда Қуръони Карим қўлёзмаларининг тарихий маълумотлари ҳам тақдим этилади.